

FINTECH – БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ДРАЙВЕРИ СИФАТИДА

Ибрагимова Азиза Икромовна

АТБ "Hamkorbank" лойиҳа офиси раҳбари, мустақил тадқиқотчи

E-mail: a_ikramovna@mail.ru

Аннотация: Мақолада Fintech бозорининг ривожланишига сабаб бўлган омиллар тизимлаштирилган. Рақамли банк фаолияти ривожланишига оид тенденциялар баҳоланган. Ўзбекистонда рақамли банк фаолиятини ривожлантириш FinTech имкониятларидан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: FinTech, рақамли банк, рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, P2P кредитлаш, блокчейн.

Abstract: The article systematizes the factors that led to the development of the Fintech market. Trends in the development of digital banking have been assessed. Proposals for the use of FinTech opportunities for the development of digital banking in Uzbekistan have been developed.

Keywords: FinTech, digital banking, digital economy, digital technology, P2P lending, blockchain.

Кириш

Маълумки, анъанавий банк операциялари амалга ошириш жараёни рақамли технологиялар ҳисобига ўзгариб, мижозлар учун қулайликлар ортмоқда. Натижада бизнесда пул муомаласи тезлашиб, бизнеснинг кенгайиши ва иқтисодий ўсиш учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлмоқда. Айни пайтда, турли хил электрон банк хизматлари онлайн харид қилиш жараёнини соддалаштиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, банк хизматларини рақамлаштириш ахборот ва коммуникацион технологияларга таянади ва молиявий хизматларнинг 24 соат мобайнида ўзлуксиз кўрсатилиши ва тезкор етказилишини таъминлайди.

Шунингдек, банк хизматларини рақамлаштириш ходимлар томонидан қўлда бажариладиган операцион фаолиятни сезиларли даражада қисқартиради ва банк мижозининг вақтини тежайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Рақамлаштириш орқали юзага келадиган янги имкониятлар турли компанияларга мавжуд бизнес моделлари ва операцион жараёнларини қайта кўриб чиқиш ёки потенциал бозор имкониятларини топишга эътибор қаратиш учун босим ўтказмоқда [1].

Айрим тадқиқотчилар Fintech соҳасидаги фаолият йўналишларини қуйидагича таснифлайдилар: хизматга йўналтирилган (тўловлар, кредит, инвестициялар, валюта айирбошлаш, краудфандинг ва ҳ.к.); маълумотга йўналтирилган (ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш); жараёнга йўналтирилган (жараёнларни автоматлаштириш ва иш унумдорлигини ошириш) [2].

И.ф.д., профессор Н.Жумаев рақамли активларни бошқаришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, бу жараёнда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси, булутли технологиялардан фойдаланиш, блокчейн технологияларини кенг жорий этишни устувор йўналишлар сифатида эътироф этади [4].

М.Асрарова фикрича, Ўзбекистон маҳаллий банкларининг рақамли трансформацияси учун жиддий тўсиқлар мавжуд бўлиб, улар қаторига бюрократия ва етарли мослашувчанликка эга бўлмаган ташкилий тузилмалар, жараёнларни ўзгартириш циклининг узунлиги, эскирган тизим, ташкилий тафаккур, йирик харажатлар кабиларни киритиш мумкин [3].

Л.Мурадова эса илмий изланишларида банкларнинг рақамли хизматларини ривожлантириш омиллари сифатида сифатли интернет, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, кибержиноятлардан ҳимояланишга эътибор қаратган [5].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни бажариш жараёнида илмий абстракциялаш, индукция, дедукция, таққослаш, таҳлил ва синтез, гуруҳлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий технологиялар бозорининг ривожланишига таъсир қилган асосий омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Маълумотларни қайта ишлаш технологияларининг ривожланиши, бу тубдан янги хизматларнинг пайдо бўлишига ва P2P кредитлаш, онлайн скоринг каби мавжуд хизматларнинг сезиларли яхшиланишига олиб келди.

2. 2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозидан кейин пайдо бўлган истеъмолчиларнинг анъанавий банкларга бўлган ишончининг пасайиши ва банк секторининг қатъий тартибга солиниши истеъмолчиларни FinTech стартаплари таклиф қиладиган хизматларга қизиқиш уйғотди.

3. Ижтимоий тармоқларнинг тобора оммалашиб бораётганлиги фойдаланувчилар ўртасида маълумот алмашиш асосида молиявий хизматларнинг янги турларини таклиф қилиш имконини берди (масалан, краудфандинг, social trading ва бошқ.)

4. Мобил телефонлардан фойдаланиш кўлами ортиб бораётгани, одамларнинг кенг доираси билан тажриба алмашиш истаги, хизматлардан фойдаланиш қулайлиги, ахборот сифати ва тезлигига қўйиладиган талабларнинг ортиши оқибатида истеъмолчилар хатти-ҳаракатларидаги сезиларли ўзгаришлар.

5. Биргаликда истеъмол қилиш иқтисодиётининг пайдо бўлиши - бўш ресурсларга эга бўлганлар учун ҳам, уларга муҳтожларга ҳам қидирув жараёнининг соддалаштирилиши туфайли вақтинча истеъмол қилиш учун ортиқча активлар билан таъминланиши.

6. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида технологик компанияларнинг муваффақияти, бу, ўз навбатида, анъанавий бозорларни сезиларли даражада ўзгартирган ва рақобатбардош ечимларни таклиф қилган Airbnb, Uber каби компанияларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

7. Электрон давлат хизматларининг пайдо бўлиши, замонавий технологияларни фойдаланувчилар даражасида татбиқ этишга қодир бўлган ва унинг қанчалик самарали эканлигини тушунадиган жамият сегментининг пайдо бўлишига олиб келди.

Таъкидлаш лозимки, банк сектори доимо технологик янгиликларни амалга оширишда етакчи бўлиб келган. Fintech бозорининг пайдо бўлиши ҳам молия секторида инновациялар тезлигини оширишга ёрдам берди.

Шунингдек, Fintech бозорига қизиқишнинг яна бир сабаби рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида молия секторидаги бизнес муаммоларини ҳал қилиш

билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу йўналишда муаммоларни ҳал қилишга ундовчи омиллар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Банк бозорида рақобатнинг кучайиши. Замонавий ахборот технологиялари ва IT бозор имкониятлари молия секторида жуда кўп стартапларни яратди, улар муваффақиятли бўлиш учун маълум бир бозор сегментини эгаллаши ва анъанавий бозор иштирокчилари – банклар билан рақобатлашиши керак эди.

2. Банк хизматлари нархини пасайтириш. Янги ахборот ва мобил технологияларни жорий этиш кенг офислар тармоғидан воз кечиш ва банк хизматлари бозори иштирокчилари билан рақамли ўзаро алоқага ўтиш ҳисобига мижозларга хизмат кўрсатиш нархини пасайтириши мумкин.

3. Булутли хизматларни, масофадан туриб хизмат кўрсатиш тартибини жорий этиш ва ташкилотларнинг молия бозорига чиқишидаги тўсиқларга барҳам бериш орқали истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш учун банк хизматлари мавжудлигини ошириш.

4. Коррупция ва ноқонуний фаолиятдан олинган пулларни легаллаштиришни камайтириш. Операцияларни чуқур таҳлил қилиш, мижозлар фаолияти тўғрисида маълумот тўплаш (масалан, тўловлар мақсади, операциялар жойи) каби янги технологиялар молия институтлари ва банк хизматлари истеъмолчилари учун қўшимча харажатларсиз ноқонуний хатти-ҳаракатларга янада қатъийроқ қарши туришга имкон беради.

2020 йилда Deloitte халқаро консалтинг компанияси томонидан рақамли банк фаолияти ривожланиши дунёнинг 39 мамлакатларидаги 318 та тижорат банклари мисолида ўрганилган. Топ ўнталикдан Япония, Сингапур, Норвегия, Испания, Бельгия, Туркия, Польша, Саудия Арабистони, Қатар ва Россия ўрин олган.

Таҳлиллар натижасида Россиянинг 3 та банки "рақамли чемпионлар", 9 та банк "рақамли ривожланган эргашувчилар" ва 3 та банк "рақамли эргашувчилар" категориясига мос келган (1-расм). Бунда банкнинг рақамлашуви индекси банк ва мижоз муносабатларининг 6 та босқичи ва 1108 та функционал тавсифларига асосланган.

Covid-19 пандемияси шароитида бутун дунё бўйлаб банкларнинг қарийб 60 фоизи офисларда иш вақтини сезиларли даражада қисқартириш ва баъзи ҳолларда филиалларни бутунлай ёпиш ва мижозлар билан ўзаро муносабатларни онлайн форматига ўтказишга йўлини тутдилар.

Deloitte маълумотларига кўра, банк офисига ташриф буюрмасдан, Интернетда ҳисобрақам очиш бутун дунёдаги банкларнинг 34 фоизида мавжуд бўлиб, ҳисобрақам эгасининг шахсини масофадан аниқлашни банк сектори глобал иштирокчиларининг 23 фоизи таклиф қилган¹.

2018 йилга келиб, Ўзбекистонда рақамли банк фаолиятини ривожлантиришга устуворлик берилди бошланди. Дастлаб онлайн-омонатлар кенг жамоатчиликка таклиф қилинган бўлса, биров вақт ўтиб, мобил иловалар орқали валюталарни конвертациялаш имконияти пайдо бўлди.

¹ <https://www2.deloitte.com/ru/ru/pages/research-center/articles/digital-banking-maturity-2020.html>



1-расм. Капитал рентабельлиги ва банк рақамлашуви индекси ўртасидаги алоқадорлик²

Сўнгра бирин-кетин иловалар ёрдамида кредит расмийлаштириш, картани бюртма қилиш, картага пул маблағларини ўтказиш, пул ўтказмаларини қабул қилиш, ҳисобрақамни бошқариш, товар ва хизматларга тўлаш хизматлари юзага келди.

Бироқ ушбу имкониятлар республика банклари тўлиқ рақамли трансформацияга ўтганлигини англатмайди. Ҳақиқатда миллий банк сектори рақамлаштириш йўлида тизимли ишларни амалга ошириши шарт.

Шунга қарамай, сўнгги пайтларда Payme, CLICK, Uraу каби тўлов ташкилотлари томонидан эгалланган трансакциялар бозори аста-секин тижорат банкларига қайта бошлаганлигини таъкидлаш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда, FinTech орқали нафақат банк секторидаги рақобатни кучайтириш (FinTech компаниялари сабабли), балки банк кўрсатадиган хизматлар сифати, ишончилиги ва тезлигини ошириш имконияти юзага келади. Фикримизча, республикада FinTech бозорини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари сифатида инфратузилмани ривожлантириш, ҳуқуқий асослар ва механизмларни шакллантириш, солиқ тизими орқали FinTech стартапларини қўллаб-қувватлаш, инвестицион механизмлар орқали рағбатлантиришга муҳим аҳамият қаратиш зарур.

Айни пайтда, электрон ҳамёнлар (E-wallet), биткоин ва блокчейнга асосланган инновацион маҳсулотларни кенг жорий қилиш ва уларни тартибга солишга тижорат банклари рақамли трансформациясида устуворлик берилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, тижорат банклари mPOS (Mobile Point of Sale) терминаллари жорий этиш, T-commerce (tablet-commerce), Mobile banking хизматлари кўламини янада оширишга рағбатлантирилиши зарур.

² Манба: Deloitte (<https://www2.deloitte.com/ru/ru/pages/research-center/articles/digital-banking-maturity-2020.html>)

Бундан ташқари, нобанк ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш ва улар фаолиятига рақамли молиявий технологияларни кенг жорий қилишни қўллаб қувватлаш ҳам республикамизда FinTech бозорини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bouwman H., Nikou S., M. de Reuver. Digitalization, business models, and SMEs: how do business model innovation practices improve performance of digitalizing SMEs? Telecommun. Pol., 43 (9) (2019).
2. Vasiljeva, T., & Lukanova, K. (2016). Commercial banks and FINTECH companies in the digital transformation: Challenges for the future. Journal of Business Management.
3. Асрарова М.Б. Цифровая трансформация банков в Узбекистане // МНИЖ. 2020. №6-4 (96). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-transformatsiya-bankov-v-uzbekistane> (дата обращения: 26.08.2021).
4. Жумаев Н.Х. (2020) Рақамли иқтисодиёт нега керак ва у нима беради? (<https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-garovidir>).
5. Мурадова Л.Ф. Место цифрового банкинга в современной банковской системе и условия формирования в Республике Узбекистан // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2021 yil.